

ОАК Жамоатчилик кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПФ-3837-сон “Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан ОАКда Жамоатчилик кенгаши фаолияти йўлга қўйилган.

ОАК Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низом” асосида фаолият олиб боради.

2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида ОАК Жамоатчилик кенгашининг 3 та мажлиси ўтказилди.

Биринчи мажлиси жорий йилнинг 25 январь куни ўтказилди. Кун тартибида 3 та масала, яъни кенгашнинг 2021 йилдаги фаолияти яқунлари, ОАК Раёсати билан қўшма мажлисни ўтказиш ва 2022 йил иш режаси лойиҳаси муҳокама қилинди.

Иккинчи мажлиси жорий йилнинг 1 февраль куни ўтказилди. ОАК Раёсати ва ОАК Жамоатчилик кенгашининг мазкур қўшма мажлиси кун тартибида 2 та масала кўриб чиқилди, яъни ОАК Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг 2021 йилдаги фаолияти натижалари ва 2022 йил иш режаси лойиҳаси. Қўшма мажлис қарори билан кенгашнинг ҳисобот йилидаги фаолияти натижалари маъқулланди ва 2022 йил иш режаси тасдиқланди.

Учинчи мажлиси жорий йилнинг 29 июнь куни ўтказилди. Кун тартибида режага кўра олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясининг 2022 йил биринчи ярим йиллик натижалари муҳокама қилинди. 2022 йилнинг биринчи ярмида ОАК томонидан жорий қилинган ахборот тизимлари орқали барча аттестация ишлари, жумладан илмий даражалар бўйича 820 та (100%), илмий унвонлар бўйича 578 та (100%) аттестация ишлари қабул қилиниши ташкил қилинди; 820 нафар талабгор илмий даражаларда тасдиқланиши ташкил қилинди; 578 нафар талабгор илмий унвонларда тасдиқланди.

ОАК Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятида тегишли меъёрий ҳужжатларда жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, ташкилот зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши, давлат хизматларини кўрсатиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Олий аттестация комиссиясининг жамоатчилик кенгаши таркиби

| № | Ф.И.О. | Иш жойи, лавозими. Илмий даражаси, илмий унвони | Телефон | Электрон манзил |
|-----|----------------------------------|--|---------------|---|
| 1. | Гафурова Лазиза Акрамовна | Ўзбекистон миллий университети, кафедра профессори, б.ф.д., профессор, жамоатчилик кенгаши раиси | +998977678182 | la.gafurova@ nuu.uz |
| 2. | Жамолиддинова Одина Расуловна | Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вазир маслаҳатчиси, п.ф.д, профессор, жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари | +998909314236 | o.jamolidinova@edu.uz; o.jamoldinova70@mail.ru |
| 3. | Жавлиев Боходир | “Тил ва адабиёт таълими” журнали, бош муҳаррир, жамоатчилик кенгаши котиби | +998981217416 | bahodir-0878@mail.ru |
| 4. | Мавлянов Искандар Рахимович | Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази, директор маслаҳатчиси, тиб.ф.д., профессор | +998946087895 | - |
| 5. | Каримова Нигора | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, бўлим бошлиғи, с.ф.д., профессор | +998909572830 | nigorra@mail.ru |
| 6. | Абдурасулова Кумринисо | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, кафедра профессори, ю.ф.д, профессор | +998909639251 | prof_abdurasula@gmail.com |
| 7. | Гафурова Дилфуза Анваровна | Ўзбекистон миллий университети, кафедра мудири, к.ф.д., доцент | +998977355053 | d_gafurova@mail.ru |
| 8. | Рўзиев Рустам Жаббарович | Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик хавфсизлиги университети, кафедра профессори, ю.ф.д., профессор | +998977640476 | - |
| 9. | Баракаев Рахматилла | Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, етакчи илмий ходим, ф.ф.д.; профессор | +998933927170 | rahmatulla1954@mail.ru |
| 10 | Каримов Фахриддин | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Бош директор маслаҳатчиси | +998909282540 | - |
| 11. | Тўраходжаев Нодир | Тошкент давлат техника университети, кафедра мудири, т.ф.д., профессор | +998935530924 | nod18tur@gmail.com |